

САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СКОРИНГ МОДЕЛИ

PhD, доцент Мавланов Нормўмин Нормаматович,

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистан

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

ORCID:0000-0001-5117-4658

SCORING MODEL FOR THE ASSESSMENT OF CREDITWORTHINESS OF COMMERCIAL ENTERPRISES

PhD, доцент Mavlanov Normumin Normamatovich,

Tashkent institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

ORCID:0000-0001-5117-4658

JEL Classification: M1, M4, M49

Аннотация. Мақолада савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Хўжалик юритувчи субъектларни тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, натижаларни аниқ ва ишончли бўлишига олиб келади. Амалиётда тижорат банклари савдо корхоналарини кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффицентлар усулидан кенг фойдаланиб келмоқда. Қоплаш, ликвидлилик ва молиявий мустақиллик коэффицентларидан фойдаланган ҳолда фақат молиявий ҳолатига баҳо берилмоқда. Бу эса корхонанинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Қолаверса ушбу коэффицентларни ҳисоблашдаги камчиликлар ушбу усулни янада ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффицентлар усулининг яна бир камчилиги тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банklar томонидан эътибор

қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолиятини барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Юқоридагилар асосида савдо корхоналарининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели ишлаб чиқилди ва ушбу моделнинг афзалликлари кўрсатиб берилган. Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели молиявий кўрсаткичлар (ликвидлилик кўрсаткичлари, баланс ликвидлиги, таъминланганлик кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари ва Альтман модели) ва номолиявий кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлик даражаси, бизнес обрўси) асосида баҳолаш ҳақида сўз боради. Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели умумий 200 балл асосида молиявий кўрсаткичларга 100 балл ва номолиявий кўрсаткичларга 100

бал ажратилади. Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели бўйича тўпланган жами 0 баллдан 200 баллгача оралигида 5 та синфга ажратилиб баҳо берилади. Бунда 1 ва 2 синфларга кредит ажратилади. 3-синф эса алоҳида ҳолларда кредит ажратилади. 4 ва 5 синфларга кредит ажратилмайди.

Abstract. The article highlights the specific aspects of assessing the creditworthiness of commercial enterprises. Assessing the creditworthiness of economic entities based on the characteristics of the branch, leads to accurate and reliable results. In practice, commercial banks widely use the method of coefficients in assessing the creditworthiness of commercial enterprises. Only the financial position is evaluated using coverage, liquidity and financial independence ratios. This does not allow a comprehensive and complete assessment of the enterprise's creditworthiness. In addition, shortcomings in the calculation of these coefficients indicate that this method has a higher level of uncertainty. Another disadvantage of ratio method is allocating the loan for the next period by evaluating the data of the completed period. In this case, forecasting future activities in advance is considered one of the most important objectives. Another aspect that is overlooked by banks but is important to focus on is non-financial indicators. Non-financial indicators are one of the important factors of sustainable development of the future activities of enterprises.

Coming from the above mentioned, a scoring model for assessing the creditworthiness of commercial enterprises based on the network characteristics was developed and the advantages of this model were described. The scoring model for assessing the creditworthiness of commercial enterprises is based on financial indicators

(liquidity indicators, balance sheet liquidity, security indicators, efficiency indicators, stability indicators and the Altman model) and non-financial indicators (general credit history, credit collateral, project reality, product competitiveness level, business reputation). The scoring model for assessing the creditworthiness of commercial enterprises is allocated 100 points to financial indicators and 100 points to non-financial indicators based on a total of 200 points. The creditworthiness of commercial enterprises is divided into 5 classes from 0 to 200 points accumulated according to the scoring model. In this case, credit is allocated to classes 1 and 2. And the 3rd class is allocated credit in separate points. Grades 4 and 5 are not awarded credit.

Таянч сўзлар. кредитга лаёқатлилиқ, бозор конъюктураси, кредит, молиявий кўрсаткич, номолиявий кўрсаткич, молиявий ҳолат, коэффициент

Key words: creditworthiness, market conjuncture, credit, financial indicator, non-financial indicator, financial position, ratio.

Кириш. Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз[1].

Республикаимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар савдо корхоналарини ҳам четлаб ўтмаяпти. Ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳар бир соҳани барқарор ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини йилдан-йилга ошириб боришдир. Ислохотлар натижасида улгуржи савдо товар айланмаси 2016 йилда 38 301,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 157 897,3 млрд.сўмни ташкил этмоқда. 2021 йил 2016 йилга нисбатан 412,2% ошганлигини кўришимиз мумкин.

Чакана савдо товар айланмаси 2016 йил 88 071,6 млрд.сўми ташкил этган бўлса, 2021 йилда 249 493,3 млрд.сўми ташкил этди. 2021 йил 2016 йилга нисбатан 283,3% ошганлиги савдо корхоналари фаолияти барқарор ривожланаётганлигидан далолат беради[2]. Савдо корхоналарининг барқарор ривожланиши аҳолига арзон, сифатли ва тезкор товарлар етказиб бериш имкониятини беради. Савдо корхоналари фаолиятнинг ўзвий давомийлиги молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ўз вақтида қондирилиши билан боғлиқдир. Ҳозирда савдо корхоналарида молиявий ресурсларга эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобига қондирилиб келинмоқда. Тижорат банклари томонидан 2020 йилда жами 276 975,0 млрд. сўм кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 28 081,0 млрд. сўм қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган. Бу кўрсаткич 2021 йилда жами кредит ҳажми 326 386,0 млрд. сўм бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига 35 022,0 млрд. сўм ажратилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредитлар ҳажми 2021 йил 2020 йилга нисбатан 24,7 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин[2]. Савдо корхоналари узлуксиз барқарор ривожланишида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида қондириш муҳимдир. Савдо корхоналари сони ва савдо ҳажмини кенгайтириш молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига олиб келмоқда. Бу эса савдо корхоналарининг банк кредитларига бўлган эҳтиёжни ошаётганлиги ушбу соҳада кредит рискларини пасайтириш зарурлигини тақоза этади. Тижорат банклари кредит сиёсатидан келиб чиқиб, банк кредитлари жалб қилиш маълум бир мезон талабларига жавоб бериш заруриятини келтириб чиқаради. Тижорат банкларининг мезон талаблари асосан

кредит рискинни минималлаштиришга қаратилган. Бунда тармоқ хусусиятига катта эътибор қаратилади.

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш керак, бу эса таҳлил натижаларини тўғри баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Материал ва метод. Мавзуга оид адабиётлар шарҳига тўхталадиган бўлсак. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш бўйича Молиявий ҳолатнинг турли хил талқинлари (Жамбекова Р.Л., 2012) [3], Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016) [4], Қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш (Ендовицкий ва бошқ., 2016)[5], Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005)[6], Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш (Наумченкова, 2016)[7], Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016), Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили (Рахимов, 2015)[8], Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Маматов ва бошқ., 2016)[9] илмий татқиқотларида мавзунинг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, савдо корхоналарининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилиги таҳлил қилинмаган.

Савдо ташкилотлари молиявий ҳолати таҳлили методикасини қисқача тавсифи (Кулягина ва бошқ., 2016)[10] илмий мақоласида савдо корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш методикасида тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Бундан кўринадики, илмий мақолада куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- савдо корхоналари кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб молиявий кўрсаткичларни танлаш;

- савдо корхоналари кредитга лаёқатлилигини баҳолашда номолиявий кўрсаткичларга эътибор қаратиш;

- савдо корхоналари кредитга лаёқатлилигини баҳолашда перспектив таҳлил амалга ошириш;

- коэффициентлар усулини меъёр даражаси ва тезкор ҳисоблаш имконини берадиган такомиллаштиришган дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотни олиб бориш ва натижаларини асослаш мақсадида мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Натижалар. Савдо корхоналари ишлаб чиқарувчи ва исьтемомлчи ўртасида воситачилик вазифасини бажаради. Бунда савдо корхоналари ташиш, сақлаш, қадоқлаш, саралаш ва бошқа шу каби харажатларни амалга оширади. Савдо корхоналари тармоқ хусусияти куйидагилар ҳисобланади:

1. Ички ва ташқи бозор конъюктураси ҳамда ҳолатини кенг қамровли таҳлил қилиш орқали товар ҳажмини аниқлаш;

2. Арзон, сифатли ва бозорбоп товарларни ўз вақтида етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаш;

3. Товарларни белгиланган режимда сақлаш, саралаш ва қадоқлаб исьтемомлчига етказиб бериш;

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш керак, бу таҳлил натижаларини тўғри

баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Кредит скоринг модели балл тизими асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва тезкор баҳолаш имконини беради.

Кредит соҳасига қизиқиш ортиб бораётганлиги натижасида кредит скоринги муҳим компонент сифатида ишлаб чиқилди[11].

Кредит скоринги – бу кредит мижозлари томонидан тўловларни қайтариш эҳтимолини башорат қилиш учун статистик методологиядан фойдаланиладиган эмпирик услубдир[12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг куйидаги скоринг моделини тавсия этмоқчимиз:

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели иккита муҳим жиҳатга молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар асосида 5 та синфга ажратиш орқали баҳолайди:

1. Молиявий кўрсаткичлар (ликвидлилик кўрсаткичлари, баланс ликвидлиги, таъминланганлик кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари ва Альтман модели) асосида баҳолаш;

2. Номолиявий кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлик даражаси, бизнес обрўси) асосида баҳолаш.

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига баҳо беришда умумий 200 балл асосида молиявий кўрсаткичларга 100 балл ва номолиявий кўрсаткичларга 100 балл ажратилади.

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш¹

Кўрсаткичлар номи	Балл тахси-моти	Кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга ажратиш									
		Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл
		1-синф		2-синф		3-синф		4-синф		5-синф	
1. Корхона ликвидлик кўрсаткичлари:	15		15		12		9		6		0
Жорий ликвидлик коэффициенти	5	2<	5	2>Jlk>1,5	4	1,5>Jlk>1	3	1>Jlk>0,5	2	Jlk<0,5	0
Тез ликвидлик коэффициенти	5	1,25<	5	1,25>Ttk>1	4	1>Ttk>0,75	3	0,75>Ttk>0,5	2	Ttk<0,5	0
Мулқоқ ликвидлик коэффициенти	5	0,75<	5	0,75>Mlk>0,5	4	0,5>Mlk>0,25	3	0,25>Mlk>0,1	2	Mlk<0,1	0
2. Баланс ликвидлиги таҳлили	20	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5	20	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 битта шарт бажарилмаса	15	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 иккита шарт бажарилмаса	10	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 учта шарт бажарилмаса	5	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 умуман шарт бажарилмаса	0
3. Маблағлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари:	15		15		12		9		6		0
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	5	O'ztk >0,5	5	0,5> O'ztk >0,2	4	0,2> O'ztk >0,1	3	0,1> O'ztk >0,05	2	O'ztk <0,05	0
ТМЗ билан таъминланганлик коэффициенти	5	TMZtk >0,8	5	0,8> TMZtk >0,6	4	0,6> TMZtk >0,5	3	0,5> TMZtk >0,1	2	TMZtk <0,1	0
Кредитларнинг таъминланганлик коэффициенти	5	Ktk >5	5	5> Ktk>4	4	4> Ktk>2	3	2> Ktk>1	2	Ktk<1	0
4. Корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили:	15		15		12		9		6		0
Жорий активлар рентабеллик кўрсаткичи	5	Jar>40%	5	40%>Jar>30%	4	30%>Jar>20%	3	20%>Jar>ID	2	Jar<ID (inflasiya darajasi)	0
Хусусий капитал рентабеллик кўрсаткичлари	5	Xkr>40%	5	40%>Xkr>30%	4	30%>Xkr>20%	3	20%>Xkr>ID	2	Xkr<ID (inflasiya darajasi)	0
Сотиш рентабеллик кўрсаткичи	5	Sr>40%	5	40%>Sr>30%	4	30%>Sr>20%	3	20%>Sr>10%	2	Sr<ID (inflasiya darajasi)	0
5. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили:	15		15		12		9		6		0
Мустақиллик коэффициенти	5	Mk>0,6	5	0,6>Mk>0,5	4	0,5>Mk>0,4	3	0,4>Mk>0,3	2	Mk<0,3	0
Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти	5	0,2>QO'zk>0	5	0,4>QO'zk>0,2	4	0,5>QO'zk>0,4	3	1>QO'zk>0,5	2	QO'zk>1	0
Хусусий капитал ҳаракатчанлик коэффициенти	5	Xxk>0,5	5	0,5>Xxk>0,4	4	0,4>Xxk>0,3	3	0,3>Xxk>0,2	2	Xxk<0,2	0
6. Альтман модели бўйича кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш	20	Alm> 2,99	20	2,99>Alm>2,8	15	2,8>Alm>2,7	10	2,7>Alm>1,8	5	Alm<1,8	0
Умумий балл	100		100		78		56		34		0

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига номолиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш ²		
Кўрсаткичлар		Балл
Корхонанинг умумий кредит тарихи:		20
3 йилдан ортиқ муддатда банклар, жумладан миждоз банкдан олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланган.	1 синф	20
3 йилгача муддатда банклар, жумладан миждоз банкдан олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланган.	2 синф	15
Охириги уч йилда банклар, жумладан миждоз банкдан кредит суммасини (асосий ва фоиз) белгиланган муддатлардан кечикиб ёки қисман тўланган. Бироқ кредит ва унинг фоизлари тўлиқ қайтарилган (бир ойгача муддат ичида).	3 синф	12
Охириги уч йилда банклар, жумладан миждоз банкдан олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) белгиланган муддатлардан кечикиб ёки қисман тўланган. Бироқ кредит ва унинг фоизлари тўлиқ қайтарилган (бир ойдан ортиқ муддатда).	4 синф	9
Банклар, жумладан миждоз банкдан олинган кредит суммасини (асосий ва фоиз) тўлиқ тўланмаганда.	5 синф	0
Кредит таъминоти:		50
Таъминот замонавий, юқори ликвидли, етарли, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи мутлоқ барқарор. Суғурта полиси кредитни тўлиқ қамраган ва тўлиқ даврга олинган.	1 синф	50
Таъминот янги, ликвидли, етарли, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи барқарор. Суғурта полиси кредитни 50%ини қамраган ва даврнинг 50% олинган.	2 синф	30
Таъминот 50%дан кўп эскирган, ликвидли, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи барқарор. Суғурта полиси кредитни 25% дан 50%гача қамраган ва даврнинг 25%дан 50%гача олинган.	3 синф	20
Таъминот эски, ноликвид, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи нобарқарор. Суғурта полиси кредитни 25% дан кам қисмини қамраган ва даврнинг 25%дан кам қисми олинган.	4 синф	10
Таъминот яроқсиз ҳолатга келган, ноликвид, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи банкрот олди ҳолатида. Суғурта полиси кредитни 25% дан кам қисмини қамраган ва даврнинг 25%дан кам қисми олинган.	5 синф	0
Лойиҳанинг реаллиги:		20
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланган ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд: корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган. Корхонада компетент ходимлар етарли. Қулай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитети юқори, доимий оқава сув мавжуд.	1 синф	20
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланган ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд: корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитети юқори, оқава сув мавжуд.	2 синф	15
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва етарли ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга оширишда жиддий таваккалчилик	3	12

² Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

мавжуд. Корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитети ўрта, қисман оқава сув мавжуд.	синф	
Банкнинг кредит сиёсати талабларига тўлиқ мос келмайди ва етарли ахборот манбаларига эга эмас. Лойиҳани амалга оширишда жиддий таваккалчилик мавжуд. Корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли бўлиши таваккалчиликка боғлиқ. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитети паст, қисман оқава сув мавжуд.	4 синф	9
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келмайди ва етарли ахборот манбаларига эга эмас. Лойиҳани амалга оширишда юқори таваккалчилик мавжуд. Корхонанинг салбий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли эмас. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит мавжуд эмас, ер майдонларининг балл бонитети жуда паст, оқава сув мавжуд эмас.	5 синф	0
Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси		5
Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юқори, юқори қўшимча қиймат ва оптимал баҳога эга, оптимал харажат, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, талаб юқори.	1 синф	5
Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юқори, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, оптимал баҳо, дифференцияланган харажат, талаб мавжуд.	2 синф	4
Товарларнинг тури камлиги, сифати ўртача, ўртача баҳо, ўртача харажат, сотиш сервиси йўлга қўйилган.	3 синф	3
Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юқори, сотиш сервиси талаб даражасида эмас.	4 синф	2
Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юқори, сотиш сервиси мавжуд эмас, талаб ўта кам.	5 синф	0
Бизнес обрўси		5
Савдо корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни юқори, бозордаги обрўси юқори, бренд таниқли	1 синф	5
Савдо корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни ўртача, бозорда ўз обрўсига эга, бренди харидорларга таниш	2 синф	4
Савдо корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни сезиларли аҳамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас.	3 синф	3
Савдо корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни аҳамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас.	4 синф	2
Савдо корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни аҳамиятга эга эмас, бозорда ўз обрўсига эга эмас, бренди мавжуд эмас.	5 синф	0
Умумий балл		100

Савдо корхоналаринг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели бўйича тўпланган жами балл 0 баллдан 200 баллгача оралиғда 5 та синфга бўлиб ўрганилади. 3-жадвалда синфлар бўйича тўлиқ тафсилоти берилган.

Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделининг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модел Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.
2. Бошқа баҳолаш усулларида фарқли жиҳати тармоқ хусусияти ҳисобга олинганлиги.
3. Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолати 5 та синф асосида амалга оширилади. Бу банклар томонидан корхоналарни

кредитга лаёқатлилик ҳолати бўйича танлаш имкониятини оширади.

4. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

5. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Мунозара. Хориж ва республикамиз тижорат банклари амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда турли хил усул ва воситалардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу усул ва воситалар орқали баҳолашнинг пировард натижаси корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва ишончли баҳолашдир. Аммо ушбу усул ва воситаларда маълум бир камчиликлари мавжуд.

3-жадвал

Синфлар бўйича кредит ажратиш тартиби³

Синф	Қисқача изоҳ	Жами (балл)
1-синф	Бу тоифадаги савдо корхоналари кредит тўлай олиш қобилияти юқори. Ушбу савдо корхоналарига кредит умумий тартибда имтиёзли асосда бериш мумкин.	146-200
2-синф	Бу тоифадаги савдо корхоналари кредит тўлай олиш қобилияти эга. Ушбу савдо корхоналарига белгиланган тартибда кредит ажратиш мумкин.	106-145
3-синф	Бу тоифадаги савдо корхоналари кредит тўлай олиш қобилияти эга эмас. Ушбу савдо корхоналарига айрим ҳолатларда кредит ажратиш мумкин.	66-105
4-синф	Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор эмас. Бу тоифадаги савдо корхоналарида кредит rischi жуда юқори ҳисобланади.	65 гача
5-синф	Ушбу тоифадаги савдо корхоналарига кредит берилмайди.	0

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

“Савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели” электрон дастурини бошқа моделлар билан қиёсий таҳлили⁴

Асосий жихатлари	Моделлар тури						
	PARTS	CAMPARI	Э.Рид модели	“С-1-6” қондаси	FICO скоринг баллари	Кoeffициентлар усули	Таклиф этилаётган: “Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели”
	Англия банкларида	Европа ва Америка банкларида	Америка банк амалиётида	Ғарб мамлакатларида	Америка ва Европада	Республикамиз банк амалиётида	
Ўрганиладиган кўрсаткичлар	<p>Purpose- кредитнинг мақсади</p> <p>Amount кредит миқдори</p> <p>Repayment қарзни тўлаш</p> <p>Term муддати</p> <p>Security кредитнинг таъминланганлиги</p>	<p>Character репутация, мижознинг характери</p> <p>Ability кредитни қайтаришга қобилилик</p> <p>Margin маржа, даромадлилик</p> <p>Purpose кредитларнинг мақсадли йўналишлари</p> <p>Amount кредит миқдори</p> <p>Repayment кредитни қайтариш шартлари</p> <p>Insurance таъминланганлиги, кредитни қайтмаслик risksи сугуртаси</p>	<p>Ликвидлилик кoeffициентлари</p> <p>Айланиш кoeffициентлари</p> <p>Маблагларни жалб қилиш кoeffициенти</p> <p>Фойдалилик ва рентабеллик кoeffициентлари</p>	<p>C1-character-қарз берувчининг бозордаги обрўси, унинг ҳолатини аниқлаш</p> <p>C2-capacity-қарз олувчининг фаолиятни якунига етказа олиши, тегишли даромадга эга бўлиши ҳамда олинган кредитларни қайтариб бера олиш қобилияти</p> <p>C3-capital-қарз олувчининг сармоясининг етарлиги</p> <p>C4-conditions-бизнеснинг ривожланиши юзасидан шартлар</p> <p>C5-collateral-гаров</p> <p>C6-control-назорат</p>	<p>Тўловлар тарихи 35%</p> <p>Жорий мажбуриятлар 30%</p> <p>Кредит тарихи ёши(муддати) 15%</p> <p>Қарз маблагларидан фойдаланиш хилма-хиллиги 10%</p> <p>Банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари 10%</p>	<p>Коплаш кoeffициенти</p> <p>Ликвидлилик кoeffициенти</p> <p>Мухторлик кoeffициенти</p>	<p>1.Молиявий кўрсаткичлар: Ликвидлилик кўрсаткичлари Баланс ликвидлиги таҳлили Маблаглар айланивчанлиги Самарадорлик кўрсаткичлари Барқарорлик кўрсаткичлари Альтман модели</p> <p>2.Нолиявий кўрсаткичлар: Умумий кредит тарихи Кредит таъминоти Лойиҳанинг реаллиги Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси Бизнес обрўси</p>
Асосий камчиликлари	<p>1.Молиявий кўрсаткичларга асосланмаган ёки қисман кўрилади.</p> <p>2.Қўлланиладиган мезонларнинг ўзи корхонани баҳолаш учун етарли эмас.</p>	<p>1. Корхонанинг молиявий кўрсаткичларига қисман асосланади.</p>	<p>1. Нолиявий кўрсаткичлар асосий мезон сифатида қаралмайди.</p> <p>2.Молиявий кўрсаткичларнинг ўзи етарли эмас.</p>	<p>1. Корхонанинг молиявий кўрсаткичларига қисман асосланади.</p> <p>2.Корхона бизнес фаолиятини доимий назоратда ушлайди.</p>	<p>1. Молиявий кўрсаткичлар тор доирада ўрганилади.</p> <p>2. Фақат пул оқими асосий кўрсаткич сифатида қаралмоқда.</p> <p>3.Корхонанинг молиявий ҳолати ҳамда бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичларга эътибор олинмаган.</p>	<p>1. Қўлланилаётган мезонлар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга етарли эмас.</p> <p>2. Амалдаги кўрсаткичларнинг ҳисоблаш услубиётида жиддий камчиликлар мавжуд.</p> <p>3. Нолиявий кўрсаткичлар тизимлаштирилган тартиб эга эмас.</p>	<p>Кўриб чиқилган баҳолаш усуларидаги камчиликлар бартараф этилган.</p> <p>Халқаро тажрибалар сингдирилган.</p> <p>Миллий иқтисодиёт талабларига мослаштирилган.</p>
Натижа	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини беради.

⁴Муаллифлар ишланмаси.

Хулоса. Республикамиз банклари амалиётида савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб баҳоловчи методика мавжуд эмас. Бу эса ушбу соҳага тижорат банклари томонидан жуда катта риск таъсирида кредит ажратиб келинмоқда. Бунинг натижасида савдо корхоналарига ажратилган кредитларда муаммоли кредит ҳажмини ошишига олиб келмоқда. Ҳозирда тижорат банклари томонидан савдо корхоналарига кредит ажратишда умумий методика бўйича коэффицентлар усулида учта коэффицентдан фойдаланган ҳолда фақат молиявий жиҳатларига баҳо берилмоқда. Бу эса корхонанинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Қолаверса ушбу коэффицентларни ҳисоблашдаги камчиликлар ушбу усулни янада ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффицентлар усулининг яна бир

камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банклар томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолияти барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Юқоридаги мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, хориж тажрибасини мужассамлаштириб ва савдо корхоналарининг тармоқ хусусиятини ҳисобга олиб, савдо корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини ишлаб чиқдик. Ушбу модел савдо корхоналарининг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискинни минималлаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoev Sh. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz. Yangi saylangan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalari qo'shma majlisidagi nutqi. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qat'iy-davom-ettiramiz>.
2. Ички савдо - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz).
3. Jambekova R.L. Metodika sistemnoy ekonomicheskoy diagnostiki predpriyatiya. / Dis.... dr. ekon. Nauk., 2012. – 354 с.
4. Yendovskiy D. A., Baxtin K. V., Kovtun D. V. (2016) Analiz kreditosposobnosti organizatsii i gruppi kompaniy : uchebnoe posobie.- M. : KNORUS, - 376 s.
5. Yendovskiy D.A., Bocharova I.V. (2005) Analiz i otsenka kreditosposobnosti zaemshika. Uchebno-prakticheskoe posobie. M. : KNORUS. - 272 s.
6. Liferenko G.N. (2005) Finansoviy analiz predriyatiya: Ucheb.posobie.-M.: Ekzamen, s. 160
7. Naumchenkova Yu. V. (2016) Otsenka kreditosposobnosti zaemshika. Teoriya i praktika sovremennoy nauki. № 5. s.5
8. Raximov M.Yu. (2015) Iqtisodiyot sub'ektlari moliyaviy holatining tahlili.O'quv qo'llanma.-T.: "Iqtisod-Moliya", 392 b.

9. Mamatov B.Sh., Qulliev I.Ya., Pulatova M.B. (2016) O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklarida mijozlarning kreditga layoqatligini baholash amaliyotini takomillashtirish. Monografiya.-T.: Extremum-press, 112 b.
10. Кулягина Е.А., Воронкова Л.В. (2016) Краткий обзор методик анализа финансового состояния коммерческой организации. Экономические науки, 3(24) – 2016.
11. Alireza Hooman, Govindan Marthandan, Wan Fadzilah Wan Yusoff, Mohana Omid and Sasan Karamizadeh. Statistical and data mining methods in credit scoring. // The Journal of Developing Areas. Vol. 50, No. 5, Special Issue on the Kuala Lumpur Conference, November 23-24, 2015 (2016), pp. 371-381 (11 pages).
12. ANNIE McCLANAHAN. Bad Credit: The Character of Credit Scoring. The Regents of the University of California. ISSN 0734-6018, electronic ISSN 1533-855X, pages 31–57. All rights reserved. Direct requests for permission to photocopy or reproduce article content to the University of California Press at <http://www.ucpressjournals.com/reprintinfo.asp>. DOI: 10.1525/rep.2014.126.3.31.